

ТИББИЁТДА РАҚАМЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУАММОГА ЕЧИМ

Нурмуродов Зафаржон Нурмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ўзкомназорат  
инспекцияси Қашқадарё вилоят ҳудудий шўъбаси бошлиғи

E-mail: zafargis@umail.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7857894>

**Abstract.** *The article contains information about the work carried out in connection with the digitization of medicine in our Republic, the Decree and decisions adopted by the President of the Republic of Uzbekistan.*

**Keywords:** *Digitization, internet, healthcare, medicine.*

**Кириш.** Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократия ҳолати ва унинг аҳоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат ва ижтимоий таъминот тизими даражаси каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнги беш йилда Республикамизда вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг вазифалари, ваколатлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда, тармоқлар ва ҳудудларда ишларнинг ҳаққоний ҳолатини чуқур ҳамда ҳар томонлама танқидий ўрганиш вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари зиммасига юкланган функционал вазифаларни лозим даражада ҳамда масъулият билан бажариш борасидаги шахсий жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор жиддий камчиликлар ва тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Ҳозирги компьютерлаштириш ва юқори рақамли инновацион технологиялар асрида рақамли иқтисодиёт ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига, яъни, соғлиқни сақлаш, таълим, интернет-банкнинг, ҳукумат ва бошқа соҳаларга дахлдор бўлмоқда.

Бугун ҳаётимизда тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш сўзи кўп учрай бошлади, лекин бу тушунча кўпчилик учун янгилик бўлиб, у ҳақида етарлича тасаввурга эга эмасмиз. Рақамлаштириш жараёнининг ҳаётимиздаги барча жабҳага, жумладан, тиббиётга ҳам кириб келгани бунинг тасдиғидир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг соғлиқни сақлаш ҳисоблари тизими (ССХТ) 2008 йилдаги миллий ҳисоблар тизими (МХТ) билан услубий жиҳатдан мувофиқлаштирилган, концепциялар ва ҳисобга олиш қоидаларига асосланади. ССХТ мазкур ҳисоблар ижтимоий-иқтисодий статистиканинг бошқа маълумотлари билан ўзаро алоқани таъминлайди. [1]

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқлар қаторида соғлиқни сақлаш тизими алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

«Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг “Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назоратини янада кучайтириш тўғрисида” 568-IV-сон-қарори, “Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент ва депутатлар назоратини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 707-IV-сон қарори ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соғлиқни сақлашнинг аҳамияти Республика сиёсатининг асосий омилларида бири эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастурида ижтимоий соҳани ривожлантиришда таълим тизими, меҳнат бозори ҳисобига инсон омили тараққиёти, аҳолининг барча қатламларини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, илм-фан инновацияларини ривожлантириш орқали инсонларнинг соғлиғини яхшилаш кўрсаткичини ошириш, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳитни асраш, илғор ва соғлом фикрлайдиган янги авлодни тарбиялаш, мамлакатнинг миллий брендини халқаро миқёсда оммалаштириш каби мақсадлар баён этилган.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 2022 йил, 2025 йил, 2030 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинди. Ушбу фармон билан барча соғлиқни сақлаш муассасаларини кенг поласали интернет тармоғига улаш, “Электрон поликлиника” намунавий ахборот тизимини жорий этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш ва графикка асосан тизимни босқичма-босқич жорий этиш, “Электрон шифохона” намунавий ахборот тизимини жорий этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш ва графикка асосан тизимни босқичма-босқич жорий этиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида медикаментоз воситалари билан самарали ва хавфсиз даволанишни ташкил этиш ва шифокорларнинг электрон реестрини шакллантиришга мўлжалланган “Электрон рецепт” ахборот тизимини жорий этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш ва графикка асосан тизимни босқичма-босқич жорий этиш белгиланган. [2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5124-сон қарори [1-ИЛОВАСи билан](#) “Давлат тиббиёт муассасаларини 2021 — 2023 йилларда замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш РЕЖА-ЖАДВАЛИ” тасдиқланган. Фармонга кўра 2021-2023 йиллар давомида Вилоят ва республика шифохоналари, Даволаш-профилактика муассасалари ва туман (шаҳар) шифохоналари,

Оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларини **45 900** дона Компьютер жиҳозлари сони таъминлаш белгиланган. [3]

Рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш соғлиқни сақлаш тизимини жадал ривожлантираётган асосий омиллардан бўлиб, кўплаб мамлакатларда оммалашмоқда. Телетиббиёт туфайли аҳолининг вақти, моддий ресурслари тежаллади. Уйда ўтириб клиникани, шифокорни танлаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, тиббий хизматлардан тенг ва осон фойдаланади. Бошқача айтганда, телетиббиёт тиббий хизматларни замонавий техник ва телекоммуникация воситалари орқали масофадан туриб олишдир. Онлайн теледиагностика юртдошларимизга уйдан чиқмасдан туриб энг илғор маҳаллий ва хорижий экспертлар маслаҳатини олиш имконини беради. Натижада беморларнинг вақти ва маблағи тежалиб, йўлкира ва бошқа қийинчиликлардан қутулади.

Ҳар қандай соҳадаги, жумладан, телетиббиётдаги муносабатлар ҳам ҳуқуқий тартибга солинишга муҳтож. Ҳозирга қадар кўплаб давлатларда телетиббиёт тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Юртимизда ҳам телетиббиётни тартибга солувчи махсус қонунни қабул қилиш давлат дастурида акс эттирилган. Шу ўринда телетиббиёт тўғрисидаги қонун мамлакатимиз учун нимага керак, деган савол туғилиши мумкин. Биринчи навбатда, қонун телетиббиётга доир мураккаб жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлайди. Телетиббиёт жараёнидаги барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Мамлакатимизда телетиббиёт халқаро миқёсда тан олинган олим ва академик Малика Абдуллаҳўжаеванинг саъй-ҳаракати туфайли фаол ривожлана бошлади. 2000 йилларнинг бошида у биринчи бўлиб Республика патологоанатомия марказида телетиббиёт лабораториясини очди ва шу ерда бутун мамлакат аҳолиси учун онлайн диагностикани йўлга қўйди. Ўша йиллари у нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги илк телетиббиёт лабораторияларидан эди. Малика Абдуллаҳўжаева бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан илк маротаба “Телетиббиёт тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган муҳокамага қўйилган.

Тиббиёт тизимини рақамлаштириш нафақат юртимиз, балки ҳар қандай давлат учун хос бўлган қатор муаммолар, айниқса, қишлоқ жойларда сифатли тиббиётнинг мавжуд эмаслиги масаласини ҳал қилиш учун кенг майдон ва имконият очади. Бу борада АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Австралия, Греция, Ирландия, Испания, Канада, Франция, Швеция, Швейцария каби давлатлар анча илғор. Шунингдек, Россия, Украина, Беларус, Молдова, Грузия, Арманистон, Қозоғистонда ҳам телетиббиёт бўйича кўплаб лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда. Президентимиз, ташаббуси билан 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилингани Янги Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси ривожда катта қадам бўлди. Концепцияда юртимизда электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш, яъни телетиббиётни ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Жумладан, телетиббиёт орқали юртдошларимиз барча тиббиёт муассасалари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида бемалол ахборот олиши уларни даволайдиган шифокорлар ҳақида маълумотга эга бўлиши, ҳатто қабул вақтини ҳам масофадан электрон навбат орқали банд қилиб қўйиши мумкин. Шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар

сифатини, жумладан, тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш учун мобиль иловалар орқали тизимдан фойдаланиш имконига эга. Телетиббиёт нафақат аҳоли, балки тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратади. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш, электрон хужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёни (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихини тўлдириш, электрон рецептлар бериш), тиббиёт ходимлари, доридармон, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисоби ва мониторингини юритиш осонлашади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан телетиббиёт бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил июнь ойида Роберт Кох институти ва Берлиндаги Шарите клиникаси билан ҳамкорликда маълумотларни тўғридан-тўғри Германияга узатувчи икки тўплам телетиббиёт ускунаси харид қилиниб, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва Зангиота шаҳридаги 1-шифохонага ўрнатилди. Ютуқларимиздан яна бири — Германиянинг GITEC Consulting компанияси кўмагида 2021 йил август ойида Тошкент шаҳри ва саккизта вилоят орасида МРТ тасвирини масофадан туриб алмашиш тизими ишга туширилди. Шу билан бирга, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудидаги тиббиёт муассасаларини телетиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилди. ITMed компанияси ташаббуси билан Германиянинг Роберт Кох институти ва GIZ халқаро ҳамкорлик бюроси билан биргаликда 2021 йил октябрь ойидан Фарғона вилояти Сўх тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида телетиббиёт тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилояти ва Нукус шаҳри филиалларида тўлиқ ишга тушурилган. Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро тажрибага таянган ҳолда “Телетиббиёт тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, шунга мувофиқ зарур ресурслар билан таъминлаш зарурати юзага келди. Ушбу саъй-ҳаракатлар шаффоф ва ишончли тиббиётни шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади ва аҳоли саломатлигини ҳуқуқий муҳофаза қилишга самарали таъсир кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Тиббиётни рақамлаштириш орқали “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон рецепт” ва “MedData Stationar” каби ахборот тизимларини жорий этилиши тиббиёт муассасаларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини оширишга ёрдам беради. Жумладан,

- ҳар бир фуқаро саломатлигига оид барча маълумотларнинг ягона электрон базасини шакллантириш;

- ҳудудларда патронажлар иш самарадорлигини доимий мониторинг қилиш;

- шифокор бемор унинг ҳузурига келгунга қадар у ҳақидаги барча маълумотларга эга бўлиши;

- шифокор ва беморлар вақтини тежалишига, ташхис қўйилишининг аниқлигини ошириб, ортиқча қоғозбозликни камайтирилишига эришилади.

Ҳудудларда рақамли тиббиётни жорий этиш учун қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Соғлиқни сақлаш муассасалари(Шифохоналар, ДСЭНМ, ТКТП, ҚОП, ҚВПларни) етарлича компьютер техникаси, принтер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмаганлиги;

- “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон рецепт” ва “MedData Stastionar” ахборот тизимлари тўлиқ жорий этилмаганлиги.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифлар берилади:

- Соғлиқни сақлаш муассасалари(Шифохоналар, ДСЭНМ, ТКТП, ҚОП, ҚВПларни) етарлича компьютер техникаси, принтер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмаганлиги;

- Соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларида “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона”, “Электрон рецепт” ва “MedData Stastionar” ахборот тизимлари тўлиқ жорий этиш.

### **REFERENCES**

1. Ғайибназаров Б.К., Абдувалиева Ё. “Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишнинг асосий босқичлари”. //Бухоро давлат университетида ўтказилган 2013 йил 26 мартдаги “Худудий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Бухоро-2013. 57-58 бетлар;
2. <https://lex.uz/uz/docs/-5030957> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони;
3. <https://lex.uz/docs/5434358> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5124-сон қарори.